

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24
июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 27 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436-II-сонли **Қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 491-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг **тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сафарбарлик чақируви резервида ойлик йиғинни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучлар резервига ўтказиладилар»;

2) 13-модданинг **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик, шу жумладан фуқаро муҳофазаси ва тиббий билим асослари бўйича тайёргарлик ўқув дастуридаги мажбурий фан бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларида чақирувга қадар тайёргарлик ўқитувчилари томонидан битириш йили арафасидаги курслардан ёки синфлардан бошлаб ўтилади»;

3) 14-модданинг **иккинчи қисмидаги** «ўрта махсус ва ўрта касб-хунар таълими» деган сўзлар «ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 15-модданинг **биринчи қисмидаги** «умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва ўрта касб-хунар таълими» деган сўзлар «умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **18-модданинг:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасасидаги охирги ўқув йилининг октябрь-ноябрь ойларида амалга оширилади»;

бешинчи қисмидаги «тегишли комиссиялар» деган сўзлар «фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Чақирувни ўтказиш бўйича комиссиялар

Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш учун қуйидаги комиссиялар ташкил этилади:

1) муддатли ҳарбий хизматга чақириш учун:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муҳофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Раҳбарият кенгаши (бундан буён матнда Раҳбарият кенгаши деб юритилади);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар йиғиш пунктларида — ҳарбий-тиббий комиссия (бундан буён матнда ҳарбий-тиббий комиссия деб юритилади);

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида Қуролли Кучларни бутлаш комиссияси (бундан буён матнда бутлаш комиссияси деб юритилади);

2) муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш, ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ва Қуролли Кучлар захирасига ўтказиш учун — туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий комиссия (бундан буён матнда ҳудудий комиссия деб юритилади);

3) чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлиғининг даражасини аниқлаш ва даволанишга юбориш учун — мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий тиббий комиссия (бундан буён матнда ҳудудий тиббий комиссия деб юритилади).

Чақирувни ўтказиш бўйича комиссияларнинг тузилиши ва фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Чақирувни ўтказиш бўйича комиссияларнинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилаётган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши шарт»;

7) қуйидаги мазмундаги 20¹ ва 20²-моддалар билан тўлдирилсин:

«20¹-модда. Раҳбарият кенгашининг, ҳарбий-тиббий комиссиянинг, бутлаш комиссиясининг, ҳудудий комиссиянинг, ҳудудий тиббий комиссиянинг асосий вазифалари

Раҳбарият кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

чақирув тадбирларини сифатли ташкил этиш;

чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти, фидойилиги, қизиқишлари ва бошқа хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, уларнинг бутлаш комиссияси томонидан қўшин турларига тўғри тайинланганлигига баҳо бериш;

ҳарбий-тиббий комиссия томонидан соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчиларни Қуролли Кучларнинг қўшин турлари командаларига тайинлаш ёки тайинламаслик тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш;

чақирилувчиларни йиғиш ва тантанали равишда ҳарбий қисмларга юборишга доир тадбирларни ўтказиш чоғида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ташкил этиш;

жамоат тартибини сақлаш ишларини ташкил этиш ҳамда бутлаш комиссиялари, ҳарбий-тиббий комиссиялар, ҳудудий тиббий комиссиялар фаолият олиб бориши учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни дори воситалари, тиббий инвентарлар ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш;

муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишларининг ошкоралигини, шунингдек чақирувга оид тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш;

ҳарбий-тиббий комиссияларнинг, бутлаш комиссияларининг ва ҳудудий тиббий комиссияларнинг қарорларидан норози бўлган чақирилувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш, шунингдек уларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

муддатли ҳарбий хизматчиларнинг Қуролли Кучлар сафидан муддатидан аввал қайтарилганлиги бўйича текширув ўтказиш, унинг сабабларини аниқлаш ва яқунлари бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш.

Ҳарбий-тиббий комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

бутлаш комиссияси томонидан қўшин турларига тайинланган чақирилувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш;

чақирилувчиларнинг ҳисоб карталарига шифокор-мутахассислар томонидан киритилган ёзувлар ва хулосаларнинг тўғрилигини текшириш;

Раҳбарият кенгаши раиси билан биргаликда чақирилувчиларни қўшимча текширув ва даволашга юбориш, шунингдек уларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтишни давом эттириш учун ҳарбий-тиббий комиссияга қайтиб келишлари устидан назорат ўрнатиш;

чақирилувчилар соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқлилиги тўғрисида яқуний тиббий хулоса чиқариш;

тиббий комиссиялар фаолиятида аниқланган камчиликларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

Қуролли Кучларни бутлаш яқунларига кўра тиббий комиссиялар иши натижаларини умумлаштириш, тегишли ҳисоботни тайёрлаш ва белгиланган тартибда Раҳбарият кенгаши раисига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиш.

Бутлаш комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун тавсия этилган ва ҳудудий тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчилар билан суҳбат ўтказиш, шунингдек улар соғлиғининг ҳолатини, жисмоний тайёргарлигини, фикрлаш қобилиятини ва бошқа сифатларини инобатга олган ҳолда, кўшин турларига тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тегишли тоифа ва чекланиш даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиқ тўғрисида қабул қилинган қарорларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ва чақирилувчиларнинг йиғма жилдларида сақлаш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишларининг ошкоралиги ва холислигини таъминлаш;

чақирилувчиларни йиғиш ва тантанали равишда ҳарбий қисмларга юборишга доир тадбирларни ўтказишда жойлардаги тегишли идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ташкил этиш;

чақирилувчиларнинг, улар ота-оналарининг чақирувга оид мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, шунингдек тегишли қарорлар қабул қилиш.

Ҳудудий комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

чақирилувчиларни муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш, ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ва Қуролли Кучлар захирасига ўтказиш;

чақирилувчиларни йиғиш, муқобил хизматга юбориш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш, шунингдек Қуролли Кучлар резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтарилишига оид тадбирларни тантанали равишда ўтказишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш, шунингдек Қуролли Кучлар резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтарилиши бўйича тадбирларни ташкил этиш;

чақирувнинг ва комиссия фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш.

Ҳудудий тиббий комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

чақирилувчиларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш;

психиатрия, наркология, тери-таносил диспансерларида, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида, фтизиатрия ва пульмонология марказида ҳисобда турадиган чақирилувчилар тўғрисида ахборот йиғиш;

чақирилувчиларни қўшимча текширувга ва даволанишга юбориш, шунингдек уларнинг тиббий кўрикдан ўтишни давом эттириш учун ҳудудий тиббий комиссияга қайтиб келиши